Электр таъминотининг шартномасига
8 - илова

Энергия таъминоти ташкилоти тармокларига уланган истеъмолчиларнинг электр курилмаларини урнатилган куввати тугрисида
МАЪЛУМОТ

А. Трансформаторлар

Трасформаторларни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вактида ургача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Куввати (кВА)	Кучланиши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт с)	Салт юриш (кВт с)	

Б. Бошка ток кабул килувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чикаришни ёритиш		Изох
Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энергатежамкор (кВт)	

В. Унга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгохи	Урнатилган куввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод раками	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт с учун	Изох

Имзолар:

Истеъмолчи

Корхона

(имзо)

(имзо)

"ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ РЕСУРСЫ ... ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ХАВЗАЛАРИ ... ЗАМИН-СУРХОН ... ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ХАВЗАЛАРИ ... ИНСПЕКЦИЯСИ

"ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ РЕСУРСЫ ... ИНСПЕКЦИЯСИ

"ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АЖ

"СУРХОНДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТЕРМИЗ ШАХАР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№ 31-1834

Аму-Сурхон ИТКБ

(Корхона, ташкилот, муассаса номи)

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20 22 йил "28" 01 31-1834 сон

Термиз шаҳри
(Шартнома тузилган манзил)

"Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" Акциядорлик жамияти Термиз шаҳар электр таъминоти корхонасида "Бош ишончнома" асосида фаолият
(туман(шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи)

юритувчи раҳбари **Бердимуратов Олтибой Элмурзаевич**(кейинги ўринларда "Корхона"
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

деб аталади) бир томондан ҳамда Низом Ану-Сурхон ИТАБ асосида фаолият юритувчи
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Т.Алимов (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳисоб рақами – [| | | | | | |] иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 93332 кВт.с. реактив _____ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 41999400 ташкил этади.
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглантирилган. (керакчисини ёзилсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади. 41999400 (қирқ бир миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз) тўлов амалга оширилади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (машинали истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглантирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9^{00} дан 17^{00} гача) – белгиланган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари ўртасидаги энг катта миқдор соат 6^{00} дан 9^{00} гача, кечки энг катта миқдор соат 17^{00} дан 22^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1.5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____
_____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қиска муддатли қувват танкислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2 _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтаишга, иситиш тизимининг муҳаф қилишга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши ва насослар ва бошқа ёнғинга қарши қурилмалар авария бронига киритилмайдилар. Улар, заруратга қараб, алоҳидаги Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши лозим.

Имзолар:

Истеъмолчи:
М.Ў. (Имзо)

Корхона
М.Ў. (Имзо)

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича.

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старшина ўқиларимаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қийматга Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтирилиши йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг далолатномаси бўлганда амалга оширилади.

Тариф четланмалар истеъмолчи асосий электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида электр тармоғидан реактив энергия истеъмол қилганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш ҳаракати Шартномада кўрсатилган бўлса акцептланади.

Четланма қўшилган қийматга солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи: М.Ў.

Корхона: М.Ў.

тунги пайт - сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида 22[00] дан 24[00] гача ва 00[00] дан 6[00] гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тенг келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланаётган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугаганидан сўнг ХЭТКнинг ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "_____" санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифлар амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)ни аванс тарикасида тўланганҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВтсоатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади".

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб берилиб, келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар

ҳисоб-китоб амалга оширилганлиги даврини кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига етказилган электр тармоқларидан тўлиқ ушланча бўлган чоралар кўрилади.

3.7 Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тарифлар ҳисоб-китобни амалга оширади ва белгиланган тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб варақнинг тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда ягона ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан маҳсулот (иш, хизмат) ҳисоб-фактура орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варақнинг шаклларини ҳамда солиқ солиш тўғрисида маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон орқали ҳисобот ва ҳисоблаш ҳужжатлари юборилади.

(ЎЗРҚ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги 522-сонли "Электр энергия учун ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш приборлари ушбу Шартномага илова мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик балонси бўйича фарқлаш далолатномаси ва баланс тармоқлари эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланади. Электр тармоғининг мансублик балонси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш приборлари рўйхати ва жойлаш бўлган ҳисобланган [illegible] электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари [illegible] ҳисобланади [illegible] ва [illegible] ва [illegible] кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (*6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради*)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларарО электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12 Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1.15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13 Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар "Истеъмолчи" солиқтирма далолатномасини имзолаган беш кунда Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиш йўли билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиқтирма далолатнома асосида "ХҲТК" томонидан мажбурий ундирувга қаратиб, шунингдек суд (судларга) ва давлат ҳуқуқ ҳимояси органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14 Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги окибатида ҳисобланган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда.

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг талаблари вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда.

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг пломбаларини ёки ҳалқаларини ҳаракатлар амалга оширилганда.

электр энергиясидан ғайриқонуний тарзда фойдаланилганда, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мажбурий бўлмаганда.

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда

Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ҲИСОБОТ

20__ йил _____ ойи бўйича
Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» _____ 20____ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсатгичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткич-ларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансфор-маторининг (ТТ)	кучла-ниш транс-форма-торининг (КТ)	уму-мий	бошлан-гич	охирги			Эрта-лабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун	
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8= гр 7*гр 4

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Гр №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Қўлда бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				
2	Синхрон двигателлар - (СД) кВт				
3	Жами реактив қувват кВАр в.Ж.ёнг. ҳисобланган қувват (100% - 50 фоиз) кВт				
4	Жами 1.5+3б, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори				

Изоҳ: Автоматик ишлаш режимида компенсация қурилмалари ишлаш жадвали ишлаб чиқилиб, электр таъминоти корхонасинин муҳандислик хизмати томонидан тасдиқланади.

Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аникланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўколишлари _____ кВт.соат ёки _____%, реактив энергия йўколишлари _____ кВАр.соат ёки _____% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўкотиш:
Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм^2;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги хар ойлик энергия йўколишлари
Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм^2;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўколишлари Истеъмолчининг хар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миклорларидан келиб чикиб аникланади.

Корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўкотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулклорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига каратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи: М.Ў. _____ (Имзо)

Корхона: М.Ў. _____ (Имзо)

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, Истеъмолчини конун хужжатларида белгиланган тартибда "Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоклари корхоналари томонидан истеъмолчининг хакикатдаги карздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниклик киритилган холда электр тармокларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш миклорининг ўн баравари миклорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга кайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол килинган энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги холларда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўгрисида"ги ЎРК-327-сон Конунининг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат килган холда товарлар ишлаб чикариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган такдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиклик таъминоти) хакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Дин сохасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўгрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон кароринг 3-бандини бажариш максадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиклик энергияси, электр энергияси, телефон, окова сув ва маиший чикиндиларни ташиш)га тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчининг электр курилмаларини Корхона электр тармокларига техник шартларга мувофик ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўгрисида белгиланган тартибда ахборот олиш.

Корхонага истеъмол киладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўгрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган кушимча миклор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим.

электр энергияси тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик бўлмаган электр энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш.

Шартномани конун хужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш.

Шартнома бекор килинганда фойдаланилмаган энергия миклори учун тўланган маблагни кайтаришни талаб килиш.

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда келиб чиккан низоларни хал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунувга бўйича докуни органга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида хак тўлаш;

эксплуатация килинаётган электр тармоклари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник холатда саклаш, шунингдек электр курилмаларни эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килишини таъминлаш. Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўгрисида хабар бериш;

электр энергиясидан экономик фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш,сотиш,ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кучиб кетган такдирда, бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

ЭЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини баркарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон ракамига (богланиш нуктасига) «СМС» оркали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вактида муносабатларини биллдириш ва зарур холда дархол энерготаъминот корхонасига аниклик киритиш максадида маълум килиш.

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон раками (богланиш нуктаси)га шунингдек бошка бирон реквизитлари узгарган холда холда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Корхона ва "Ўзэнергоинспекция" конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш.

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш.

Корхона вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш.

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чикариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чикариш эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистеъмолчиларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниклаш ва хабар беришга мажбур.

истеъмол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори.

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи.

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфини.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

Уланган куввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар мазкур Коидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур.

махсулот бирлигини ишлаб чикариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисодий жихатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чикиш — умумий ишлаб чикариш ва технологик, якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чикаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига караб кайта кўриб чикиш.

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш хамда улар асосида ишлаб чикариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини тахлил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эхтиёжни ва электр тармокларининг энергия ўтказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш вариантини аниклаш максадида (махсулот ишлаб чикаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чикиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш.

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдикланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш.

авария режимида, Истеъмолчини электр тармогидан узиб кўйиш;

электр хужалиги объектларида аварияви холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантирмай ва у билан келишмай унга электр энергия етказиб беришни чеклаш.

Корхонанинг курсатмасига асосан, хамда ЭХНАТга уланган ёки энергия олишдан хак тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдинги тўланган хак тугаганда электр энергия билан таъминлаш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур.

Истеъмолчига энергияни электр тармоги оркали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегараси ва Шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш.

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги ва эксплуатация килиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изох. Хар-бир электр хисоблагич учун алохида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич №_____т/ток____кучланиш.____коэфициент._____уланган куввати_____квт
*Хисоблагич ўрнатилган манзил;*_____
шахар,кфй,мфй,куча уй№

1. Тариф гурухи _____ Фаолият тури _____
Труба ишл чик,Шлакоблок,Гишт,Пленка ишл чик,Акфа цехи,Насос Сошо,Кафе Ошхона,Устахона ва ???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд
а) хаво линиялари _____
_____
_____
б) кабель линиялари _____
_____
_____
в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП №_____ , _____кВА
_____
_____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармокларнинг баланс бўйича мансублик чегараси_____
_____
_____

3. Улардан куйидагиларга:
а) _____
_____
_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан.

б) _____
_____

Истеъмолчи билан тузилган *"Техник хизмат кўрсатиш" №_____сана_____й. шартномаси* асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади *"Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди"*

4. Электр курилмаларнинг холати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди _____
_____
_____
_____

Вакиллар:

Истеъмолчи _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)
М.Ў.

Корхона _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)
М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (сўб"Истеъмолчи"нинг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копкогидаги пломбанинг раками		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт с
			Корхона-нинг		Ток	Кучла-ниш			

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Корхона:

М.Ў. (Имзо)

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боглик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўгрисида хабардор килиш;

киритилаётган чекланишлар тўгрисида, чекланишларни хажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш.

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўгрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган такдирда - истеъмолчига бу хакда, рад этиш сабабини кўрсаттан холда хабар килиш;

Истеъмолчида ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, пломбаланни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда. Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни коплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган хакикий зарарни коплашга мажбур.

5.2 Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боглик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3 Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч холатлари хамда фавкулодда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боглик булмаган вазиятлар окибатида мавжуд булган чекланишлар киритилганда, "электр курилмаларини тузилиши коидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чикадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар булмайди.

5.4 Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали хал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали хал килишнинг иложи бўлмаганда улар конунчиликда белгиланган тартибида хал килинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1 Шартнома 2021 йил 31 ДЕКАБРгача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал килиш муддати тугагандан, томонлардан бири унинг узайтириш ёки бекор килиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган хисобланади. Бюджет ташкилотлари бундан мустасно. Ариза ушбу Шартноманинг амал килиш муддати тугашидан бир ой олдин такдим этилиши лозим.

6.2 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сакланаётган икки (Буджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловаларе унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3 Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккинчи томонни бекор килиш муддатидан ўтиш кун олдин хабардор килган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб килиниши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тўгрисида хабарнома ёки расмийлаштирилган ёзма равишда амалга оширилади.

6.4 Барча ўзгаришлар ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, хакикий хисобланади.

6.5 Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб - коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 17 январда 22 сон карори билан тасдикланган "электр энергиясидан фойдаланиш коидалари хамда бошка амалдаги меъёрий-хукукий хужжатлар талабларига мувофик тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили _____

Ҳисобраками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобланмаган ташкилотлар учун

Бюджет фондининг ҳисобраками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Бюджетдан ташқари фондларнинг ҳисобраками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: _____ *Факс:* _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли ,факс телефонлари коди электрон чиқим ёзилади)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СООГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА:

Почта манзили Термиз шаҳар Истиқлол кўчаси 1 бурилиш 5-уй

Ҳисобраками 22 636 000 800 427 199 398

Банк коди (МФО) 01 045 (ИНН) 200 475 661

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: *+99876 223-64-33* ***Факс:*** *+99876- 223-63-35*

Статистик кодлар:

СООГУ _____

СОАТО _____

Истеъмолчи:

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
МАНЗИЛ: Термиз шаҳар, М.Қаҳҳар кўчаси, 19-уй
Ш.Х.В: 10002186022401704240217000 3
Ш.Х.В: 40012186022401704240217000 3
ИНН: 204666681 ОКОНХ
Ўз.Респ.Молия вазирлиги Ғазначилиги
ИНН: 201122919 Б\К: 00014
Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ
Х/р: 23402000300100001010

Корхона:

Термиз шаҳар ЭТК бошлиғи

О.Э.Бердимуратов

_____

М.Ў. (имзо)

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиясидан фойдаланиш шартномаси "Сурхонларес" Ҳududий электр тармоқлари Корхонаси Акциядорлик жамияти Термиз шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳуқуқшуноси: Гурбой Асрор Кучкарович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» конун талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конунга мувофиқ белгиланган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низолар ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Ҳуқуқшунос _____

28.01.2022 г.

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

_____

тариф тури: табақалантирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (керакли ёзилсин)

2021 ЙИЛ УЧУН	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича		
Йил, жами				
Январ	33333			
Феврал	33333			
Март	26333			
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкланишдан сметалар бўйича юкланиш % I _____ II _____ III _____

Истеъмолчи **Корхона**

М.Ў. *Имзо қўйилган сана* М.Ў. *Имзо қўйилган сана*